


Баҳодир Қўчқор ўғли

ШАБНАМ



«Наманган» нашриёти
2006

84(54)6-5. Узб. бада. 2420, —

Шеърлар

Ушбу китобимни мен учун энг суюк ва азиз бўлган онам
Маҳбуба ая, отам Кўчқорвой Ғойибназаровларнинг
порлоқ хотираларига бағишлайман.



Баҳодир Кўчқор ўгли


Баҳодир Кўчқор ўгли 1949 йилда Чуст туманидаги Ахча қишлоғида туғилган. Наманган педагогика институти (ҳозирги НамДУ)нинг рус тили ва адабиёти факультетини тамомлаган, қишлоқдаги Бобур номи 18-умумий ўрта таълим мактабида муаллимлик қилади.

Унда ижодга ошилик болалик пайтларидан бошланган. Дил қатларидаги энг нозик туйғуларни сатрларга кўчира олган. Шеърларида инсонийлик, она юрт ишқи, меҳр-муҳаббат, кадр-қиммат, пок севги тараннум этилади. Уни ўқиб ўзингиз хулоса чиқаринг.

542 - 114992,95 - 1314650
НГ-----2006

542 - 2,0 - (05) - 06

© «Наманган» нашриёти



*Ул санам ошиқидурман дард юзимдан эмди қон,
Чора излаб топмам оҳ, чиқмакка энди етди жон.*

*Гул юзи жодулади гулшан ароки жилвагар,
Мушукулим осон этмас, васли ой бўлмас осон.*

*Хаста кўнгил талпинур гоҳ лахча чўғ босган каби,
Йўлларига кўз тикибман, ки шандан кетди шон.*

*Айлади тарк танни дармон, кетди соғлик бевафо,
Олди ақлим куйдириб жисмим этибдур устихон.*

*Бу юрак қургур сўроқлар, гунча лаб очган сайин,
Эй, гирифтори Баҳодир, ишқ бу ўтдир, унда ён.*

** * **

*Ўтли дард тортиб юрак охир жудолик кўрмасин,
Завқ-шавқдин айрилиб, охир гадолик кўрмасин.*

*Ё, тирик жон бўлсаю, ул бўлмаса дардан асар,
Зор-зор инграб кўнгил, охир адолик кўрмасин.*

*Аҳд ила жондин кечиб ошиқ мақомин олса гар,
Ишқ саробига учиб, охир видолик кўрмасин.*

*Қадду сарву юзи гул, дилдоридин айрилса гар,
Тарки дунё айлабон, охир хатолик кўрмасин.*

*Айрилиқ етса оғир бўлгай умрининг сўнгида,
Чорасиз ҳолдин тойиб, ноҳуш даволиг кўрмасин.*

*Бир гўзал ишқида мен, айтгил сабо келмасмикин,
Жонима айлаб ситам, кўзи қаро келмасмикин.*

*Нақш олма юз зебо, лек ўтолмам юз буриб,
Ол ёноги тортадур, дилрабо келмасмикин.*

*Субҳидам япроқ уза тушган азиз шабнам каби,
Жилвагар дил гавҳари, сержило келмасмикин.*

*Нози бирла қон юракка, ўт солодур дамба дам,
Бул юрак тафтин босай деб қалб аро келмасмикан.*

*То тирик эрса бу жон ул ёр ишқи бирла банд,
Сидқидил этсам анга жон фидо келмасмикин.*

*Бу фано ичра Баҳодир, кўз юлтиб ўлса, нетонг,
Жисми ичра боқий ул, айлаб видо келмасмикин.*

** * **

*Зор кўнглим гулзор аро гулга зор этмиш мани,
Хор дилим айлаб адо ҳолимни хор этмиш мани.*

*Телба ўлди энди дил, барча ачингай ҳолима,
Эътибор этмай манга, шармисор этмиш мани.*

*Воҳ, лаби гунча манинг қалбимга ўт ташлар нечун,
Бетараҳҳум куйдириб, ҳокисор этмиш мани.*

*Гунча юз очган сари қон тўкилар ҳар юзидан,
Ҳар лаҳза, қон ютқазиб, интизор этмиш мани.*

*Бир боқиб ибо била, инъом этса хуш бўйидин,
Баҳодирга бахт кулиб беҳад хумор этмиш мани.*

*Таъриф этсам, юзларинг мисли чаманда тоза гул,
Гул иси очгай дилимдан ишқ қасрига боза йул.*

*Жилвагар чашмингдай жоно, топмадим чашм тенги йўқ,
Доми ишқингга илдиним, ёнди дил, куйди кўнгиш.*

*Тўлганиб қирқ кокилинг оҳ, жонима қасд айламиш,
Бўйнима каманд бўлиб, боғламиш ул, мисли қул.*

*Эй, маҳлиқо, оқил санам, айлаб карам, ташла назар,
Қалб аро ишқ туйғуси, жилваланиб ўйнайди ҳул.*

*Таслими бўлди Баҳодир, васли чун жонин тикиб,
Кел, қучогимга гарқ пишган олмадек бир бор тўкил.*

** * **

*Бир тану бир жон аро лол-ҳайрондур кангул,
Дардига излаб даво зор гирёндир кангул.*

*Шаҳди, шашти қолмайин, музлади бўз юрак,
Сўлди армон ушалмай, хор вайрондир кангул.*

*Доғи ҳасратга тўла хонумоним кулбаси,
Бевафолик жабридан, қизил қондир кангул.*

*Сабру тоқат тошлари чил-чил ушалди беаёв,
Нози-истигно юкидин, сарсондир кангул.*

*Қолмади йўл, ложарам, гар Баҳодир но илож,
Жисми ила жони аро, оққан қондир кангул.*

*Ғариб кулбасидир кўнглим, дарбадар айлар мани,
Ошиқ телбасидир дилим, ҳокисор айлар мани.*

*Кўча-кўйни қилдим ошён, ёр висолин ахтариб,
Васли маҳзун этди ҳолим, шармисор айлар мани.*

*Богда гуллар кулмиш расо аҳволимни кўриб,
Дилгинам айлаб хуноб, ёрга зор айлар мани.*

*Таърифига келмас калом, мисли нур ё фаришта,
Жаннат гули моҳ-малагим, интизор айлар мани.*

*Нозли ёрга қолди куним сабр-тоқат бер илоҳим,
Бир кун келар нозли жонон, ихтиёр айлар мани.*

*Ошиқма кўп, эй Баҳодир кутмоқлик ошиқ иши,
Сабр меваси роҳат эрур, бир куни ёр айлар мани.*

** * **

*Зулфи зар, оташ нигоҳ чўгдек суманбар кўрмадим,
Аҳли хуш мажнуннавор ишққа даъвогар кўрмадим.*

*Соқиё айлаб ўзин, ишқига жомин тўлдириб,
Мушки анбар бирла жом тутгувчи дилбар кўрмадим.*

*Гуллар ичра ёнса бир ошиқ каби маъшук ҳам,
Сархушлиги бирла жонин тутгувчи духтар кўрмадим.*

*Гар кўнгилнинг кўчасида лолу ҳайрон қолса сарв,
Жабру жафо тигларин тўсгувчи дўст-ёр кўрмадим.*

*Бўлма ҳайрон, эй Баҳодир, ошиқ аҳлин ахтариб,
Гавҳари дил қадрини билгувчи заргар кўрмадим.*

** * **

*Ўшаши йўқ сарвидил, гулузорим айла шафқат,
Пинҳон сирим очайин, интизорим айла шафқат.*

*Шодлигим сен эрурсан, юрак тўла иштиёқ,
Сенгадур оҳу нолам, оҳу-зорим айла шафқат.*

*Шабнам ювган гул юзидек, юзларингдур беғубор,
Ошиқар дил ҳамиша, диловорим айла шафқат.*

*Не керак бирга эсанг гарчи то тожу-тарим,
Кел ёнима рўй хушла, вафодорим айла шафқат.*

*Йўқ эрур еру кўкда сендин ортиқ ўзгаси,
Баҳодирга кулди бахт, дилда борим айла шафқат.*

** * **

*Бир гўзалнинг риштасидин қилди фарёд жоним менинг,
Тутди оламни вовайло, нола, афғоним менинг.*

*Мисли офтоб куйдириб, қилди ишва, нозларин,
Ногирон айлаб кўнгилни, қилди сарсоним менинг.*

*Ошиқ айлаб ул малак, урди агёр тигини,
Жонима этди жафо, қотил армоним менинг.*

*Нозу истиғно била қилди гарот бор-будим,
Бўлди дил вайрон, хароба-кулба вайроним менинг.*

*Эй, Баҳодир, васли гулрў, гул каби санчди тикон,
Озриги тутди таним ки, қотди қоним менинг.*

** * **

*Кўнгил тўлар севинчга, ул малак ёнимда деб,
Дилдан келар бир нидо ишқ ўти қонимда деб.*

*Кўзлар қиё боқармиш юздан паноҳ ахтариб,
Кобоқларга санчилган киприклар жонимда деб.*

*Қарсак чалар икки лаб севги таронасига,
Тил эса тамшанармиш, ишқ менинг домимда деб.*

*Ишқ баҳори келди-ю, очди юрагимда гунча,
Дилда ҳислар жўш урар, севмак имконимда деб.*

*Битди газал Баҳодир, ёниб ишқнинг ўтида,
Дил ташнасин қондирар, жаннат илҳомимда деб.*

** * **

*Доғи ҳасрат билмас кангул ишқ шамоли эсмай туриб,
Ёрга ташна бўлмағай дил ишқ саҳросин кезмай туриб.*

*Шўх-шўх наво қилгай юрак ҳусну малоҳат куйида,
Завқу сафо бежиз эмас, дил амри келмай туриб.*

*Неки бўлса фикр-ўйида, меҳри сеҳрин этгуси фош,
Нозик вужуд ожиз эрмас, талпинмағай кўрмай туриб.*

*Тан бирла жон олмас ором, васли висол бисотида,
Дилга ҳузур йўқдир магар, жисми жисмин сезмай туриб.*

*Ошиқ эрса гар Баҳодир, Мажнун мисол бедаводир,
Минг бош урсин ошиқ эмас, ёр қалбига кирмай туриб.*

** * **

*То санам ёди юракда, ишқи тандан кетмагай,
Сийрати ўтдай ёниб сеҳри ондан кетмагай.*

*Чўгдай кўзи тушса э воҳ, тушган ерин куйдиради,
Йўқ эрур анга паноҳ, бу бадандан кетмагай.*

*Ол ёногинг сеҳри айлар банд дилимни, гулрў,
Еру кўкдан йўқ мадад, илки ёндан кетмагай.*

*Сеҳридан жон талпиниб ўртар юракни дафъатан,
На юракдан ташвишу, дарди мандан кетмагай.*

*Кечаю кундуз ҳажри ким агёрнинг ханжари,
Тиг каби ўйди дилим, заҳри қондан кетмагай.*

*Оқибат руҳим жафоси солди бошга мушкулун,
Хаста ўлди Баҳодир, ишқи жондан кетмагай.*



*Дилга дард солди кулиб маҳвашо бир қайрилиб,
Жилва бирла олди ҳуш, нигоро бир қайрилиб.*

*Ҳар табассум сеҳрига ҳокисор дил бандадур,
Найзасин урди нигоҳ, жон оро бир қайрилиб.*

*Зулфининг занжири э воҳ, дор бўлди бўйнима,
Беихтиёр олдию жон, бедаво бир қайрилиб.*

*Ҳар нафас олган ани ихтиёр ҳукмидадир,
Чиқса бас кириб нафас ки раво бир қайрилиб.*

*Йўқ дема лек, Баҳодир, қалб эшигин оч мудом,
Бахт-иқбол кулгай сенга, хўп расо бир қайрилиб.*

** * **

*Эй, наво кел қалбима, ҳижрон азобини қувиб,
Дардима бўлгил шифо хажру балосини ювиб.*

*Оҳ, нетай, кулмади дил, қилмади нашъу-намо,
Нозу истигно бирла лутф қилмади дилдан суйиб.*

*Ой юзи, лаъли лаби, мулки малоҳат орзум,
Келмади дил боғима меҳри ихлосин қуйиб.*

*Оҳ, бу дунё лаззати сенсиз азоб, йўқ роҳат,
Маҳрум айлаб васлингдин, ўтмагин лабни буриб.*

*Орзиқиб кутгай қулинг бир бор шафқат айлашинг,
Ғам-қайғуда қолмасин, ҳар томон бошин уриб.*

*Эй, Баҳодир куйлагил, назму-наво бирла ани,
Чорласин дилга муҳаббат, ҳажр доғини суриб.*

*Малаксиймо рухсорини кўргали келдим, кетмайман,
Гул юзин жамолига тўйгали келдим, кетмайман.*

*Сарвқомат дийдорига садқа айлай минг жонни,
Атрофида маст бўлиб юргали келдим, кетмайман.*

*Кўкда ойдек нур таралар сутдай оппоқ юзидан,
Моҳитобнинг шуъласига чўмгали келдим, кетмайман.*

*Ой каби юрсин ҳамиша қалбим узра нур сочиб,
Мен эрурман парвона, куйгали келдим, кетмайман.*

*Жонни қурбон айла, арзир, эй Баҳодир, маҳвашинг,
Ул парининг қалб эшигин очгали келдим, кетмайман.*

ХАЛҚ ЙЎЛИДА ЁЗИЛГАН

*Тангри неъмат бергани рост бундай замон ҳеч келмаган,
Ҳақ йўлини топди бу кун, бундай замон ҳам ҳеч келмаган.*

*Она юртим, эрк эшигин тобе қулфи очилдией,
Йўлида шон, ўзликда шон, шундай замон ҳеч келмаган.*

*Ғаму ташвиш қолмади ҳеч, на бир сағирнинг қалбида,
Кулди офтоб, кулди осмон, кундай замон ҳеч келмаган.*

*Ақлу идрок, ҳур тафаккур отиб куртак ёйди япроқ,
Зулмат аро порлади ой, ойдай замон ҳеч келмаган.*

*Эрк гунчаси очди гулин фаҳму-фаросат богида,
Ақли борга келди имкон, дурдай замон ҳеч келмаган.*

*Гулларга тўлди лозазор, боғу-роғлар нур қўйнида,
Кувнади дил, яйради эл, гулдай замон ҳеч келмаган.*

*Минг шукур қил, келди даврон, эрк нафасин ол, Баҳодир,
Барча сенга қилсин ҳавас, ҳурдай замон ҳеч келмаган.*

** * **

*Ҳар қадамни ўйлаб боссанг бевақт ҳазон юз ўғирар,
Етти ўлчаб бир кессанг гар, афсус ҳар он юз ўғирар.*

*Ҳақ йўлидан чиқмай десанг, тўғри сўзни айтувчи бўл,
Ёлгон сўзни десанг билки, барча инсон юз ўғирар.*

*Гурур тўнин киймагил ҳеч, бошинг кўкка етмасин ҳеч,
Элинг ичра алиф бўлма, яхши-ёмон юз ўғирар.*

*Ҳирс кишани бирла умринг занжири банд этиб қўйма,
Нафсинг қули бўлсанг агар, ҳатто шайтон юз ўғирар.*

*Ҳар бир ишни пухта қилгил, барча сенга қилсин ҳавас,
Ношуд ишин тутсанг агар, борлиқ имкон юз ўғирар.*

*Иғво-хасад ниши бирла яхшилиқнинг кўзин ўйма,
Риё чашмин очсанг агар, охир замон юз ўғирар.*

*Кўнгли очиқ инсон бўлгил, лек қилма ҳеч феълингни тор,
Бўлсанг агар, ҳассис инсон, орзу-армон юз ўғирар.*

** * **

*Дарвеш каби эл ичида мен ҳақдин сабоқ изладим,
Эзгу сўзла битдим газал элдан ардоқ изладим.*

*Ўтди не-не қаро кунлар, дардим айтиб қолай энди,
Тинглагувчи оҳу-зорим суянғали тоғ изладим.*

*Ўз уйига сигмадилар ўзлигин сўзлаганлар,
Шод этарга шаҳидларни руҳин ҳар чоғ изладим.*

*Ўзанини топди ўзлик, ўз юртига эга ўзбек,
Тангри берди ўзига эрк, кўркига бог изладим.*

*Топганлари насиб этсин, рисқи улуг буюк ҳалқим,
Толеида порлади нур, меҳр ардоқ изладим.*

** * **

*Давлат қувиб одамизот бир-бирини суймайдиё,
Ака-ука, опа-сингил бирга иноқ юрмайдиё.*

*Могу мулкка ҳирс қўйибон, андишани хор айлаган,
Нафсига қулдай сотилиб, мижжаси ҳеч тўймайдиё.*

*Бошин уриб ҳар томонга инсоф юзини пардалар,
қўйни-қўнжи тўлса ҳам-ки, нафс сандиги тўлмайдиё.*

*Бойлик жоду айлаб кўзин дўсту ёрни писанд қилмай,
Бу дунёга меҳмонлигин англаб асло етмайдиё.*

*Ҳасталарга солмай назар ўтар умри дабдабада,
Бир кун келиб, иссиқ жони дард тортишин сезмайдиё.*

*Мансаб сари от йўрттирар, амал курсисин талашар,
Етиб бир кун қоқилгач у, ер тишлашин билмайдие.*

*Тавба қилгил, эй Баҳодир, оқибатдан сўзла доим,
Яратганнинг ҳар бандаси беоқибат бўлмайдие.*

** * **

*Эл назар қилса агар назарга сен риё қилма,
Ошиб ҳаддин назарни юзини сен қаро қилма.*

*Соф кўнгил бўл ҳамиша бахту омад сенга ёрдир,
Таъма илкига тушиб ҳақ дилини сиё қилма.*

*Гар юрсанг элдан баланд йўқдир сенга ҳеч оқибат,
Тубан ишга қўл уриб охир ўзни гадо қилма.*

*Ҳақни ҳаққа айр билки ноҳақ йўлидан юрма лек,
Нафсни султон айлабон иззат тилаб хато қилма.*

*Танангда токи жонинг эл дардига бахшида қил,
Вақтихуш айлаб ўзинг айшу-ишрат сафо қилма.*

*Ақл-идрок бирла иш қил токи лаънат келмасин,
Дўстни суриб бир четга мансабни ҳеч асо қилма.*

*Мақр бирла, эй Баҳодир, мансаб отига минмагил,
Майиб қилгай ҳуркибон, ўзгалардин даъво қилма.*

** * **

*Бирни бирга қўшиб сўнгра қилма тўрт, нафсингни тий,
Муҳтожларнинг умидларин узма чўрт, нафсингни тий.*

*Ўз рисқингни егин фақат, ўзгасига кўз олайтма,
Фарзанд бўлгай қобил мўмин, тўкма бурд, нафсингни тий.*

*Касб-кор бўлсин ҳалоллик, ҳаромдин қилгил ҳазар,
Порахўрнинг тузин тотма, ўзни торт, нафсингни тий.*

*Она сутин сотгувчи ул судхўрни ҳам одам дема,
Ҳалол топган бурда нонинг кўзга сурт, нафсингни тий.*

*Кимки тийса агар нафсин инсонларнинг султони,
Элу юртнинг қийма рисқин яхши тур, нафсингни тий.*

*Нафс домига тушса гар ким ейди нафс, эй Баҳодир,
Ўзи емай бир-кун барин ейди қурт, нафсингни тий.*

** * **

*Яхши одам ёмон бўлгай, фасод йигса игво-ҳасад,
Ширин турмуш вайрон бўлгай имо қилса игво-ҳасад.*

*Ога-ини, опа-сингил иноқ бўлса гар қўшнилар,
Албат бир кун низо тушгай аро кирса игво-ҳасад.*

*Гар кишига омад келса, ё бошига давлат қўнса,
Охир бир кун барбод қилар хабар топса игво-ҳасад.*

*Ширин сўзи, соф виждони, ақли бирла обрў топса,
Туҳмат тошин отар унга ёниб-куйса игво-ҳасад.*

*Тангри кимга солиб назар, берса агар ноёб ҳислат,
Миш-миш тошин отар қўрқмай, алам қилса игво-ҳасад.*

*Яйраб-кулиб ўниб-ўсса ҳатто гўдак бекаму-кўст,
Ич-этин еб, озор бергай, мотам тутса игво-ҳасад.*

*Англагил-ки, эй Баҳодир, ҳасад янглиг отга минма,
Тангри асло кечирмагай, кимки қилса игво-ҳасад.*

*Меҳрин қўмсаб дил ингради, онам келмади,
Сўзларин эслаб дил ўртади, онам келмади.*

*Бошим узра эрди қуёш, сўнди ҳайҳот,
Сағирлик бу қаддим букди, онам келмади.*

*Ёру-дўстлар қучса сууб волидасин,
Кўзларимдан ёш тўкилди, онам келмади.*

*Ҳавас бирла иш бошладим тангри қўллади,
Ҳасад янглиг ит талади онам келмади.*

*Кўриб ҳолим дўст ачинди, ганим қувнади,
Яқинларим ҳол сўради, онам келмади.*

*Дардим тўкиб саболарга онам изладим,
Ҳолим хаста, гам ўради, онам келмади.*



*Буюк Турон карвонинг карвон боши ўзбек элим,
Туркнинг ақлу тарозусин битта тоши ўзбек элим.*

*Қадам ташлар равон йўлдан кўз-кўз қилиб салобатин,
Замин узра нур таратар-ки, қуёшим ўзбек элим.*

*Давраларда ўз ўрни бор, сўйлагани ўз сўзи бор,
Лафзи доно, фикри оқил, мағрур боши ўзбек элим.*

*Неча-неча истилолар юртим кўксин қилди вайрон,
Қонлар ютиб, жиҳод қилди кекса-ёши ўзбек элим.*

*Неча аср ўтди хўрлик ила таъқиб қилиб аждодларин,
Шаҳид бўлди ўғлонлари, кўзда ёши ўзбек элим.*

*Дунё илм пойдеворин қўйган зотлар юрти будир,
Усмон Носир, Чўлпонлари эл сирдоши ўзбек элим.*

*Қанотини қайирганлар, ўзлигидан айирганлар,
Келиб кўрсин бу юртимни, эрк йўлдоши ўзбек элим.*

* * *

*Тиниқ кўнгил тоза виждон, кам бўлди, кам бўлди,
Игво ҳасад фисқу-фасод жам бўлди, жам бўлди.*

*Бир-бирин алдар икки кўз, раҳна солар юзига,
Жабру-ситам яйраб кулди, гам бўлди, гам бўлди.*

*Нафс гули очилди ҳирс богида сарсон иштиёқ,
Меҳру оқибат кўзлари нам бўлди, нам бўлди.*

*Аро йўлда қўлди иймон, таъма сурди отини,
Шўрли, шафқат қолди ортда, дам бўлди, дам бўлди.*

*Бошин урар ҳар бир тошга фарёд ила ибо,
Иффату вафо кўз нури, шам бўлди, шам бўлди.*

*Молю дунё ишқи голиб ўткинчи бу дунёда,
Баҳодирнинг мағрур боши ҳам бўлди, ҳам бўлди.*

*Огиздин чиқса ҳар сўз, ақл англаб етгунча кут,
Назар ташласа гар кўз асл меҳрин қўйгунча кут.*

*Меҳр-вафо ҳам нафратни кўз кўриб англаб етар,
Кўзни авраб қўймасин, нафс нари кетгунча кут.*

*Нафс борки иғво-ҳасад борлиқни қамраб ютар,
Ютса, майли ютсину, ҳақ охир ютгунча кут.*

*Оқибатни ўйламай юта-юта ўтарлар,
Чиқар пайти келганда дард келиб чиққунча кут.*

*Кўз тўймаса дунёга тупроққа тўяр бир кун,
Оқибат англаб етгач, кимлигин билгунча кут.*

*Нафс эрур ҳайвонга хос, ақл-идрок инсонга хос,
Инсонга хос фазилат, сабр-тоқат бергунча кут.*

*Кўзни юмиб келганмиз унутмагил, Баҳодир,
Охир юмиб кетармиз, кўз юмиб ўтгунча кут.*

*** * ***

*Неки дил истар кўмак безътибор ўтмак нечун,
Не учун инсон демак, бемурувват бўлмак нечун.*

*Ҳар киши-ки айласа оқибат, чин меҳрибонлик,
Не керак қилмоқ гуноҳ, меҳри ботин юрмак нечун.*

*Бўлса-ки дард бедаво, дардига сен бўлгин даво,
Не тилак очгай кўзин, жабр дийда этмак нечун.*

*Ҳар нечук Аллоҳ қули бўлмак учун солгин йўлинг,
Йўлаки дорулбақо, дашти фано кезмоқ нечун.*

*Лаҳза қадрин билсанг агар, меҳру шафқат отига мин,
Шафқатинг тутма дариг, жоҳил каби ўлмак нечун.*

*Баҳодир, ташла назар, этма поймол мўминлигинг,
Не-ки зор муҳтожи дил, ҳақ меҳридин қолмак нечун.*

** * **

*Ким зор бўлса, зорлик ани мулкдор айлар,
Ким хор бўлса, хорлик ани хушёр айлар.*

*Сир-синоат очилар, йўлда ҳар кез, ҳар нафас,
Юзларидин нур томар ақлу ҳуш ифтихор айлар.*

*Кулбаси гар эрса-ки ҳам вайрона, бежиҳоз,
Дили бағри эрур ўктам, комиллик ихтиёр айлар.*

*Молу давлат қилмас асло ани қадрин бўлак,
Дили равшан, йўли равшан, тақво устувор айлар.*

*Кунлар сойим, тунлар қойим, дили пок, қалб мунаввар,
Икки дунёсидир, обод, жаннатга дахлдор айлар.*

** * **

*Агар эрсанг дўстга дўст, дўстингга қилма хиёнат,
Агар эрсанг мард ўғлон, ўз юртингга қилма хиёнат.*

*Танингда токи жонинг жўш урса қайноқ қонинг,
Юриб нафсинг йўлига, қадрингга қилма хиёнат.*

*Гар эрса дил покиза, иймон-эйтиқоддин нишона,
Суст эрса гар оқибат, иймонингга қилма хиёнат.*

*Хулқу одоб бирла элга кўргузиб меҳрибонлик,
Гар бўлсанг элда азиз, эл меҳрига қилма хиёнат.*

*Ақлу хуш улуг неъмат, Аллоҳга бер дуру саловат,
Қалбда ҳузур-ҳаловат, раҳматига қилма хиёнат.*

*Ҳақни-ҳақ дегил доим, ҳақдин юзингни бурма,
Ҳар ишга қодир Аллоҳ, яратганга қилма хиёнат.*

*** * ***

*Ёруғ дунё ёлгончи, ёлгонига бўлма ошиқ,
Берган умри ўткинчи, ҳар онига бўлма ошиқ.*

*Жисми-жонинг соғ бўлса, қадрига ет, авайла,
Тангри берган неъматини, жонингга бўлма ошиқ.*

*Берса агар мол-давлат, харж айлама нопок ишга,
Мағрурланиб бойлигинг, конига бўлма ошиқ.*

*Эл ичра иззат топиб, мансаб қўнса бошингга,
Ҳаволаниб, амалинг, сонига бўлма ошиқ.*

*Богингда унса гар гул бўй-бастин қилмагил хор,
Ўзга бог гулларию, богбонига бўлма ошиқ.*



ЎЗБЕКМАН

*Остонадан ҳатлаб, ташласам қадам,
Кимсиз, дея сўрар экан безумон.
Юртим десам арзир энди хотиржам,
Туркийзабон миллат Ўзбекман.*

*Юртимнинг гурури ҳур байроги бор,
Маҳҳини куйлаймиз, айтамиз алёр.
Довруги бир олам бетакрор диёр -
Туркийзабон миллат Ўзбекман.*

*Энди менинг тилим ўлмайди,
Саҳналарда ўзбек сози жаранглар.
Эркин халқим энди ўзин ўйлайди,
Туркийзабон миллат Ўзбекман.*

*Бошида порлайди эрки, қуёши,
Дунёни чорлайди юртим ривож.
Бегубор қувнайди кексаю-ёши,
Туркийзабон миллат Ўзбекман.*

БОБОЛАР РУҲИНИ ШОД ЭТ

*Биз билган билмаган аждодлар,
Биз кўрган кўрмаган зўр мардлар,
Эшитган, эшитмаган ҳикматлар,
Достонлар юрти бу ардоқ эт,
Боболар руҳини сен шод эт.*

*Илму-фан машъалин ёққанлар,
Миллати руҳини қучганлар,
Буюк эл шонини тутганлар.
Оқиллар юрти бу ардоқ эт,
Боболар руҳини сен шод эт.*

*Юрт учун жон бериб жон олган,
Халқини жонидан севолган,
Ватандин ёвларни қуволган.
Полвонлар юрти бу ардоқ эт,
Боболар руҳини сен шод эт.*

*Мулки -Турон ҳалқини жамъ этган,
қудрати*жаҳонни лол этган,
Зўрларнинг бошини хам этган.
Султонлар юрти бу ардоқ эт,
Боболар руҳини сен шод эт.*

*Ўзлик дея шаҳид кетганлар,
Юртини мустақил этганлар,
Озодлик қадрига етганлар.
Ғамхўрлар юрти бу ардоқ эт,
Боболар руҳини сен шод эт.*



СЕНДАДУР ВАТАН ҚАРОҒИ

*Зулматни ёритиб оқил боболар,
Илму фан машъалин ёқди Туронда.
Шуъласи қамради борлиқ жаҳонни,
Ватаним қолмагай энди армонда.*

*Қудрати жаҳонни титратган даҳо,
Бобомиз руҳлари сенга мададкор.
Умрини Ватанга айлаган фидо,
Улуғлар йўлидан борамиз ҳамкор.*

*Буюклар юртининг оқил фарзанди,
Богдаги меваси - асалу қанди.
Ўчмас из қолдирган само илмида,
Мунажжим Улугбек дилу дилбанди.*

*Билиб қўй, сендадур Ватан яроғи,
Бўлмогинг керакдур унинг чироғи.
Қурбингни йўллагин билим, ўқишга,
Келажак авлоднинг сенда қароғи.*



ВАТАНИМ БОР

*Фалак кўксига ниш урган,
Бағрига минг бойлик кўмган.
Виқорли тоғлар ўраган,
Ўзбекистон - Ватаним.*

*Тарихи минг асрлар сўйлаган,
Боболар эл дардин ўйлаган.
Боғида булбуллар сайраган,
Ўзбекистон - Ватаним.*

*Кўксидаги кокил мисол,
Жило бирла оқар хушҳол.
Сайхун - Жайхун гўзал тимсол,
Ўзбекистон - Ватаним.*

*Замин узра очилган гул,
Ҳар шоҳига қўнган булбул.
Номин айтсам яйрар кангул,
Ўзбекистон - Ватаним.*

САРБОН ЎЗИНГ

*Эрк остонасин авайлаб,
Поёндоз узра ўтдинг.
Ташлаб қадам мардонавор,
Асрий мақсадга етдинг.*

*Ҳақ сўз айтган алломалар,
Буюк Осий миллат шууринг.
Темурийлар сақлаб келган,
Кўлда миллий гуруринг.*

*Ушбу дунё айвонида,
Акс садо берди сўзинг.
Тонг отиб балқ урди қуёш,
Тиниқ кўзгудир кўзинг.*

*Буюклар карвонининг,
Сарбони бўлдинг ўзинг.
Битта-битта қадам ташлаб,
Жаҳонга бурдинг юзинг.*

АЧИНАМАН

*Бору-бутни қамраб ютган,
Оқибатни ҳам унутган,
Нафс йўлида қулдай ётган,
Ожизларга ачинаман.*

*Эгри қадам ташлаганлар,
Нопок луқма тишлаганлар.
Ўзга кисса қашлаганлар,
Ҳолига кўп ачинаман.*

*Бирдан икки олган судхўр,
Виждонни сотган порахўр.
Ҳақдан кечган қалби ҳам кўр,
Сўқирларга ачинаман.*

*Олов ёққан чақимчилар,
Қора куя ҳасадчилар.
Обрўфуруш гийбатчилар,
Ҳолига вой, ачинаман.*

*Етимларни рисқин қийган,
Ўзни элдин устун қўйган.
Маҳшар кунни юзи куйган,
Малъунларга ачинаман.*

ОНАЛАР ТЎКМАСИН КЎЗЛАРИДАН ЁШ

*Юраклар эригай бўлса ҳам-ки тош,
Еру-кўк титрайди, қилмайди бардош.
Нурларин сочмайди кўкдаги қуёш,
Оналар гар тўкса, кўзларидан ёш.*

*Шўх оқар сойларнинг шўхлиги қолар,
Сайроқи қушларнинг завқлари қолар.
Ёқилган ўтларнинг чўглари сўнар,
Оналар гар тўкса, кўзларидан ёш.*

*Лочинлар учолмас, қилолмас парвоз,
Гўдаклар инграйди беун, бе овоз.
Машшоқлар чалолмас қўлга олиб соз,
Оналар гар тўкса, кўзларидан ёш.*

*Ватаннинг шаънига доғ сола кўрма,
Бетайин улфатнинг йўлидан юрма.
Ватан хизматидан юзингни бурма,
Оналар тўкмасин, кўзларидан ёш.*



ДУОЛАРГА ЗОРМАН ОНАЖОН

*Онажоним, -сизсиз дунё қоронгу,
Дуоларга зорман, шумшайиб қолдим.
Армон тўла қалбим сизга муштоқ,
Не қилай-ки, сизсиз бўзладим ёндим.*

*Излай-излай танҳо термуламан лол,
Тополмай мўътабар изларингизни.
Кулоқларим тутиб ҳар ён, ҳар томон,
Эшитолмайин ширин сўзларингизни.*

*Кани, айтинг, айтинг онажонгинам,
Оро йўлга нечун ташлаб кетдингиз.
Фисқ-фасоду, ҳасад чўғларин боса,
Ҳаётнинг заҳматин ичга ютдингиз.*

*Тақдирим кулмади, кулмади ҳаёт,
Дардим кимга айтай, айтинг, онажон.
Ака-ука, сингил чўп ташлар кўзга,
Ўйлай-ўйлай тавба қилгум, онажон.*

ФАРЗАНД ЭРУР

*Бугун бормиз ҳаёт кўркам,
Эрта йўқмиз, йўқдир нур ҳам.
Тугилганмиз бекаму-кўст,
Берган ризқни демагил кам.*

*Борлиқ жонзот бирим-бирим,
Бу дунёдин ўтар кетар.
Ўз йўлини тополмай ким,
Бесар юриб, беиз ўтар.*

*Бандаликни бажо қилар,
Пайти келгач бўлмагин хор.
Қолсин сендан қобил фарзанд,
Номинг азиз қилгувчи бор.*

*Унутмангки бойлик эмас,
Фарзанд этур руҳингни шод.
Чирогингни ёқиб доим,
Ҳар он қилгай қабринг обод.*

ЁҒОЧ ОТ

*Оёқлари тўрт, қўллари тўрт,
Кишнайди жонсиз ёғоч бир от.
Келар бир кун, аста индамай,
Сабр қил, лек кўтарма фарёд.*

*Олиб кетди бобомларни ҳам,
Олиб кетди ота-онамни.
Дард ичимда, кўзларимда нам,
Олиб кетар бир-кун танамни.*

*Шоҳми, гадо фарқи йўқ унга,
Молу-давлат асло кор қилмас.
Ёшми, қари бари бир унга,
Келар вақтин ҳеч кимса билмас.*

УНУТМАГИН САФАРДАМИЗ

*Кўёш чиқиб ботар ҳар кун,
Зиёсини сочар ҳар кун.
Шукр айтсак арзир ҳар кун,
Унутмагин, сафардамиз.*

*Умр берган, қисқа фурсат,
Гоҳи кулфат, гоҳи роҳат.
Асли ҳикмат, бари неъмат,
Унутмагин, сафардамиз.*

*Улуг қилиб қўйди Аллоҳ,
Инсон деди пиру-азиз,
Умматидир Расуллулоҳ, (с.а.в.)
Унутмагин, сафардамиз.*

*Борлиқ мавжуд сенга деди,
Ёруғ дунё синов энди.
Фаришталар таъзим қилди,
Унутмагин, сафардамиз.*

*Аллоҳ дея юрак урсин,
Қалбингда нур порлаб турсин.
Ҳақ дийдорин орзу қилсин,
Унутмагин, сафардамиз.*

*Йўллар яқин, манзил яқин,
Дийдор яқин, роҳат яқин.
Яратганга юргин яқин,
Унутмагин, сафардамиз.*

*Яхшиларга яқин юргин,
Яхшиликни ҳар он қилгин.
Магрур эмас камтар бўлгин,
Унутмагин, сафардамиз.*

*Тупроқ каби азиз бўлгин,
Кўкда эмас пастда юргин.
Бир бор келиб бир бор кетгин,
Унутмагин, сафардамиз.*

ТЎРТЛИКЛАР

Ўтар дунё ўтди кетди, дил сандигин очолмадим,
Ёруғ дунё ҳийласини англаб асло етолмадим.
Ўйлаб кўрсам билганларим бир томчига арзимасдир,
Мавҳум дунё сирларини умрим бўйи ечолмадим.

* * *

Гар келсангда ўзга корига даркор,
Миннат қилиб юзга солмагин зинҳор.
Муҳтожликдан қўрқ, танингда бор эрса жон,
Билгил, муҳтожликни ўзингга ҳам ор.

* * *

Азим дарахт улгайиб ўсиб етди вояга,
Барча ундан баҳраманд, ўзин урди сояга.
Бевақт чириб илдизи, азим дарахт қуриди,
Ташлаб энди дарахтни, ўрмалашди қояга.

* * *

Эл ичра юрсанг гар, ўзгани хор этма,
Эл меҳрин олсанг гар, сўзни виқор этма.
Юзингда табассум, андиша бўлсин жо,
Элингни десанг гар, феълингни тор этма.

* * *

Яхши-ёмон кунлар ўтса, шукур қилу инкор этмагил,
Гуноҳ қилиб қуйсанг агар, тавба қилу такрор этмагил.
Бирор кимса тўкиб солса гаму-ҳасрат, алам дардин,
Пинҳон сақла ўзга сирин, асло уни ошкор этмагил.

* * *

Ҳар лаҳза қилмак савоб, меҳри қайноқ ёрон иши,
Онани қилмак тавоб, ақли расо ўғлон иши.
Топмагай кўнгил ором, бесамар ҳар юмушдан,
Сўрса эл бермак жавоб, элин суйган инсон иши.

МУНДАРИЖА

Ул санам ошиқидурман	3
Ўтли дард тортиб юрак.....	3
Айрилиқ етса оғир бўлгай	4
Зор кўнглим	5
Таъриф этсам	5
Бир тану бир жон	6
Ғариб кулбасидур	6
Зулфи зар	6
Ўхшаши йўқ	7
Бир гўзалнинг	7
Кўнгила тўлар севинчга	8
Доғи хасрат билмас	8
То санам ёди юракда	9
Дилга дард солди	10
Эй наво кел қалбима	10
Малак симо	11
Тангри неъматини	11
Ҳар қадамни ўйлаб бос	12
Дарвеш каби эл ичига	12
Давлат қувиб одами зод	13
Эл назар қилса	14
Бирини бирга қўшиб	14
Яхши одам ёмон бўлгай	15
Меҳрим қўмсаб	16
Буюк Турон	16
Тиниқ кўнгила	17
Оғиздин чиқса ҳар сўз	18
Неки дил истар қўмак	18
Ким зор бўлса	19
Агар эрсанг дўстга дўст	19
Ёрут дунё ёлгончи	20
Ўзбекман	21
Боболар руҳини шод этиб	21
Сендагур ватан қароғи	23
Ватаним бор	24
Сарбон ўзинг	24
Ачинаман	25
Оналар тўкмасин ёш	26
Дуоларга зорман онажон	27
Фарзанд эрур	27
Ёғоч от	28
Унитмагин сафардамиз	28
Тўртликлар	30

Адабий-бадний нашр

Баҳодир Қўчқор ўғли



Ш А Б Н А М

Шеърлар, Ғазаллар

Муҳаррир:	Мусо АКМАЛ
Мусаввир:	Муҳаммадҷон АЛИБОВ
Саҳифаловчи:	И. ТОШХОЖАЕВ
Тех муҳаррир:	Ғ. МУЛЛАБОВ
Мусаҳҳих:	С. ХОЖАЕВ



Теришга 2006 йил 19.05. да берилди. Босишга 2006 йил 23.05. да рухсат этилди.
Газета қозоғига офсет усулида босилди. Бичими 60x84. 1/16. Ҳажми 2 босма
табоқ. Адади 500 нусха. Буюртма № 422. Баҳоси келишилган нарҳда.

«Наманган» нашриёти. Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, Матбуотуйи, 3-қават.
Чуст босмаҳонаси, МЧЖ Чуст шаҳри, Сўфизода кўчаси, 8-уй.